



## TOOLS FOR DEVELOPING A SPIRITUAL EDUCATION STRATEGY

*Ugilkhon N. Akhmedova*

*Lecturer*

*Fergana regional center for advanced training and retraining of public educators*

*Fergana, Uzbekistan*

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** education, spirituality, spiritual education, spiritual education technologies, cultural development, spiritual-enlightenment reforms.

**Received:** 25.02.22

**Accepted:** 05.03.22

**Published:** 16.03.22

**Abstract:** The article reveals the scientific significance of the tools for the development of the strategy of spiritual education. It has been studied that the tools of the strategy of spiritual education are the main task in the formation of the potential of the youth. It is scientifically based that the development of society depends on the development of the spiritual potential of young people through the means of continuous spiritual education.

## МАЪНАВИЙ ТАРБИЯ СТРАТЕГИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВОСИТАЛАРИ

*Ўгилхон Н. Аҳмедова*

*Ўқитувчи*

*Фаргона вилоят халқ таълими ходимларини малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш ҳудудий маркази*

*Фаргона, Ўзбекистон*

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** тарбия, маънавият, маънавий тарбия, маънавий тарбия воситалари, маданий тараққиёт, маънавий-маърифий ислохотлар.

**Аннотация:** Мақолада маънавий тарбия стратегиясини ривожлантириш воситаларини илмий аҳамияти очиб берилган. Маънавий тарбия стратегиясининг воситалари ёшлар салоҳиятини шакллантиришда таянч вазифа эканлиги ўрганилган. Жамият тараққиёти ёшлар маънавий салоҳиятини узлуксиз маънавий тарбия воситалари ривожланишига боғлиқ эканлиги илмий асосланган.

## ИНСТРУМЕНТЫ РАЗРАБОТКИ СТРАТЕГИИ ДУХОВНОГО ОБРАЗОВАНИЯ

**Угилхон Н. Ахмедова**

*Преподаватель*

*Ферганский областной центр повышения квалификации и переподготовки работников народного образования*

*Фергана, Узбекистан*

---

### О СТАТЬЕ

---

**Ключевые слова:** духовность, средства культурное просветительские реформы, духовное развитие, духовного развития, духовно-просветительские реформы.

**Аннотация:** В статье раскрывается научная значимость инструментария разработки стратегии духовного воспитания. Изучено, что инструменты стратегии духовного воспитания являются главной задачей в формировании потенциала молодежи. Научно обосновано, что развитие общества зависит от развития духовного потенциала молодежи посредством непрерывного духовного образования.

---

### КИРИШ

Мустақилликка эришганимиздан кейин бозор иқтисодиётига асосланган мустақилдемократик давлат барпо этиш, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари, қонун устуворлиги ҳамда мамлакатимиз барча фуқаролари учун қонун олдида тенглик таъминланадиган фуқаролик жамиятини шакллантириш стратегик мақсад сифатида белгиланган. Ҳар бир даврнинг эҳтиёжлари, ижтимоий, иқтисодий, маънавий тараққиёти унинг илмий тафаккур салоҳияти даражаси билан белгиланади. Бирор муаммони ҳал этиш имкониятларини инсон ўз ақл-заковати, билими ва иродаси билан аниқлайди.

Билимли, маърифатли кишиларнинг кўпайиши жамият бойлигидир. Маънавиятни юксалтириш ҳам маърифатга боғлиқ. Миллий қадриятларнинг тарихини, келажагини англаш маърифат орқали амалга ошади.

Инсон билим орқали дунёни қанчалик кўп билиб борса, ўз фаолиятини ҳам шунчалик яхши англай боради. Билимли бўлиш учун вақтни аямаслик, вақтдан унумли фойдаланиш лозим. Инсон маърифат ва билим орқали юксак маънавиятлилик чўққиларини эгаллайди, баркамол, комил инсон бўлиб етишади. Маърифат кенг маънода одамларга билим бериш, кўникма ва малака ҳосил қилиш демакдир. У маънавиятни шакллантирувчи, жамиятнинг яратувчанлик, бунёдкорлик қувватини оширувчи инсон фаолияти соҳасидир. Бошқача айтганда маърифат жамиятнинг таълим-тарбияга бўлган эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган инсон фаолиятини қамраб олувчи тушунчадир.

Таълим ва тарбия тушунчаларининг мазмуни ва моҳиятини, уларнинг ўзаро нисбати ва муносабатларини билиб олиш маънавий – маърифий тарбия самарадорлиги ҳамда таъсирчанлигини оширишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Таълим – бирор маълумотни кишиларга маълум бир тартибда бериш ва уни ўзлаштириш, қабул қилиш жараёни. Таълим – ахлоқли, одобли шахсга хунар ўргатиш, билим беришдир. Абу Наср Фаробий таълим тўғрисида тўхтаб, таълим деган сўз инсонга ўқитиш, тушунтириш асосида назарий билим бериш; тарбиянинг назарий фазилатларини, маълум хунарни эгаллаш учун зарур бўлган хулқ нормаларини ва амалий малакаларини ўргатишдир, деб кўрсатган эди.

### АСОСИЙ ҚИСМ

Глобаллашув жараёнларининг ривожланиши инсон ҳаётини мураккаблаштириб бораётгани жамият тараққиёти бевосита маънавий юксалишга боғлиқ бўлиб қолганлигидан далолатдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Биз ҳозирги мураккаб ва шиддатли замонда маънавий-маърифий ишларнинг ўрни ва таъсири тобора ортиб бораётганини ҳисобга олиб, бу соҳадаги фаолиятимизни янада кучайтиришга алоҳида аҳамият бермоқдамиз”[1.]. Зотан, жамият тараққиёти, мамлакатни қудрати, миллатни буюк қиладиган куч ҳам бу – шахс маънавияти саналади. Узлуксиз маънавий тарбия ёш авлоднинг келажаги ва ватан тақдири билан чамбарчас боғлиқ бўлган жараён ҳисобланади.

Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида Ўзбекистон Республикасининг “Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси” асосида мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта махсус ва олий таълим босқичларида маънавий-ахлоқий тарбия янгича шаклда маънавий-ахлоқий кадриятлар ва дунёқарашини шакллантиришга қаратилган тизимли жараённинг янги босқичини бошлаб беради. Бу эса ёш авлодни ва уларнинг маънавий қиёфасини бугунги муаммоларни олдини олишга қаратилган илмий тадқиқотларни амалга оширишда устувор аҳамият касб этмоқда. Шу нуқтаи-назардан қараганда, ёш авлодни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбияси таълимни инновацион бошқаруви самарадорлиги билан бевосита боғлиқ ҳолда ривожланади. Жамиятнинг маънавий қиёфасини оширилиши лозим бўлган стратегик мақсадларга асос бўлади.

Жамиятда маънавий тарбиянинг муҳимлиги таълим-тарбия жараёнини стратегик белгилаш ва юксалтиришга боғлиқ жараён ҳисобланади. Узлуксиз маънавий тарбияни ўрганиш мамлакатимиз тадқиқотчилари ичида дастлабки тадқиқотлардан бири ҳисобланади. Яъни тарбияни стратегик мақсади жамиятдаги ривожланиш босқичларига

асос эканлиги ҳақидаги дастлабки ёндашувлар жадидчилар ҳаракати намоёндалари Абдулла Авлоний, Фитрат, Маҳмудхўжа Бехбудийларни асарларида ўз ифодасини топган.

Мамлакатимиз файласуф олимлари М.Қаххорова ўз илмий тадқиқотларида жамиятда маънавий-ахлоқий муҳит: муаммо ва ечимларга оид масалаларни тадқиқ этган, М.Нурматова эса шахс маънавий камолотида эстетик ва ахлоқий кадриятлар уйғунлиги муаммосини ўрганган. Б.Аманов жамиятни модернизациялаш концептуал моделларининг такомиллаштириш оид масалаларини тадқиқ этган.

Тарбияда замонавий ёндашувларни стратегик жиҳатларини концептуал асоси И.Кант, Гегел таълим ва тарбиянинг маданий цивилизациядаги истиқболи кўриниш шакллари Д.Виттимо, К.Эллис каби хорижлик олимларни илмий изланишларини танқидий ва таҳлилий жиҳатдан ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида шаклланаётган маънавий тарбиянинг ривожланиш стратегиясининг маънавий-ахлоқий жиҳатларини тизимли равишда ўрганиш ҳамда системалаштиришга алоҳида эътибор қаратилиши лозим. Бу эса жамият ривожланишида узлуксиз маънавий тарбияни инновацион тарзда амалга ошириши ишланганлик даражасини янада бойитади. Давлат сиёсати даражасида маънавий тарбияни стратегик воситаларини ривожлантириш мақсадида 2020 йил 23 сентябрдаги “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сон қонуни, Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14-сентябрда қабул қилинган “Ёшларга оид Давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонунига ва 2019 йил 31 декабрдаги “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1059-сон Вазирлар Маҳкамасининг Қароридаги устувор йўналишларга асосланади.

*Биринчидан*, жамиятда маънавий муҳитни таълим-тарбия жараёни билан узвий ўрганиш бўйича олиб борилаётган фалсафий тадқиқотлар тизимининг энг муҳим томони ҳисобланади.

*Иккинчидан*, жамиятда ёшларни маънавий-ахлоқий шаклланиши, уларни янги дунёқарашини юксалтириш билан боғлиқ бўлган узлуксиз жараёндир. Таълимни маънавий-ахлоқий жиҳатларини ҳар томонлама чуқур ўрганиш жамият тараққиётини прогнозлашга хизмат қилади. Бу эса, “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” фоясининг ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатларини очиқ беришга асос бўлади.

*Учинчидан*, глобаллашув даврида жамиятда маънавий тарбиянинг янги стратегик воситалари ҳисобланган “узлуксиз таълимда маънавият масалаласи” ва унинг

ривожланиш технологияларини объектив ўрганиш, англаб етиш ва улардан амалда фойдаланиш учун эҳтиёж сезилади.

*Тўртинчидан*, бу ижтимоий ҳаётда ёш авлодни янги маънавий-ахлоқий жиҳатларини яратиш асосида амалга оширилади. Ўз навбатида маънавий тарбиянинг стратегик воситаларини ижтимоий-фалсафанинг ижтимоий ҳодиса ва жараёнларининг объектив йўналишларини белгилаб беришга кўмаклашади. Янгиланаётган жамиятда маънавият тушунчаси объектив ва субъектив омилларнинг ўзаро узвий бирлигидан келиб чиқадиган тўхтовсиз равишда амалга ошириладиган ҳодиса эканлигини фалсафий жиҳатдан асослаш муҳим аҳамиятга эга.

Жамият тараққиётининг янги стратегиясида маънавий тарбия воситалари сифатида ижтимоий технологияларни, креатив ёндашувларни ва инновацион бошқарув омилларини ўрганишни тақозо этилади. Бу билан жамиятдаги мавжуд муаммоларни бартараф этишнинг рационал йўллари излаб топиш ва уни инновацион бошқаришнинг институтчионал тизимини такомиллаштириб бориш орқали ёшларни маънавий тарбиясида ўзига хосликни намоиш этилади. Маънавий тарбиянинг ривожлантиришнинг янги стратегик технологияларининг миллий ва ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиш, улардаги мавжуд интеллектуал ресурслардан самарали фойдаланиш, бу борада олиб борилаётган тадқиқотлар кўламини кенгайтириш долзарб масалалардан ҳисобланади.

## ХУЛОСА

Жамиятда мавжуд ривожланишнинг бир текисда юксалиши маънавий тарбиянинг таъсир кўрсатувчи ижтимоий институтлар орасида таълим бугунги кунда алоҳида ўрин тутди. Жамиятни модернизациялашуви катта аҳамиятга эга мураккаб ўзгарувчан ёшлар дунёқарашида уларнинг онгли ва масъулиятли ҳаётини яратишни таъминлайдиган маданий, ижтимоий ва шахсиятга йўналтирилган таълимга қаратилган ҳаракат жараёни сифатида кўришимиз мумкин. Маънавий тарбияга янгича, тизимли ёндашув, ёшларда таянч фазилатларни кафолатли шакллантиришда оила, мактабгача таълим, умумий таълим, ўрта махсус касб-ҳунар ва олий таълим муассасалари, маҳаллаларнинг ижтимоий-педагогик имкониятларини тўлиқ юзага чиқариш [2.], деган масала долзарб аҳамиятга эга. Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари ғоясига асосан маънавий-маърифий ислохотларни амалга ошириш талаб этилади.

Маънавий тарбия стратегиясини ривожлантириш воситалари маънавий тарбия технологиялари соҳасининг илғор инновацион технологияларини тақозо этади. Маънавий

тарбияда янги стратегик технологияларни генезиси маънавий-маърифий тарғиботнинг натижасидаги хулосалар ва муносабатлар бошланиши билан пайдо бўлади.

### ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ

1. “Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда” Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон” газетаси бош муҳаррирининг саволларига жавоблари. № 165 (421), 2021 йил 17 август.

2. [www.lex.uz](http://www.lex.uz). Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1059-сон Қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси 2020 йил 3 январь.

3. Yuldashev, S. U. (2019). TECHNOLOGY OF SOCIAL AND CULTURAL PROJECTION IN SCIENTIFIC MANAGEMENT OF SOCIETY. *Theoretical & Applied Science*, (11), 621-623.

4. Mamatov, M., Isomiddinov, A., & Yuldashev, S. (2019). Factors of Developing the Intellectual Abilities of the Youth. *International Journal of Progressive Sciences and Technologies*, 16(2), 311-313.

5. Yuldashev, S. U. (2019). THE ROLE OF THE FUNCTION OF STABILIZATION AND DEVELOPMENT OF SOCIETY IN SCIENTIFIC MANAGEMENT (AS SOCIO-CULTURAL TECHNOLOGY). *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 1(6), 255-259.

6. Yuldashev, S. (2020). Socio-Cultural Technologies in Uzbekistan: History and Now. *International Journal of Progressive Sciences and Technologies*, 18(1), 171-173.

7. Yuldashev, S. U. (2019). THE ROLE OF SOCIO-CULTURAL TECHNOLOGIES IN SOCIETY. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 1(10), 187-192.

8. Юлдашев С. У. Давлат ва жамият бошқарувида кадрлар инновацион фаолиятини юксалтиришнинг ижтимоий-маданий хусусиятлари. НамДУ илмий ахборотномаси - Научный вестник НамГУ. 2021 (9) Б-236-244.

9. Urmonalievich Yuldashev Serobjon THE ESSENCE OF SOCIO-CULTURAL DESIGN IN THE PROCESS OF SCIENTIFIC MANAGEMENT OF THE SOCIETY. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*. 2021 (11) 236-243.

10. БС Ганиев, СУ Юлдашев. [ПРИОРИТЕТЫ СОЦИАЛЬНОЙ ПОЛИТИКИ УЗБЕКИСТАНА](#). Современные проблемы социальной психологии и социальной работы:

XIV Всероссийская научно-практическая конференция с международным участием, 20 марта 2019 г./науч. ред.

11. Сў Юлдашев. [Жамиятни инновацион бошқаришда илмий ёндашув](#). Scientific progress, 2022 (3) 22-25.

12. Kakhharova, M. (2018). Question of Studying Personal Spiritual and Moral Development. Eastern European Scientific Journal, (6).

13. Qaxharova, M., & Tuychieva, H. (2019). Spiritual-moral environment and its basic indicators. The Light of Islam, 2019(4), 24.

14. Qaxharova, M., & Absattorov, B. M. (2020). Evolution of views on ethics, ethical criteria and ethical standards. The Light of Islam, 2020(1), 110-115.

15. Qaxharova, M., & Raximshikova, M. (2020). MORAL CONTINUITY IS A SOCIAL-PHILOSOPHICAL, HISTORICAL PHENOMENON. The Light of Islam, 2020(3), 103-112.

16. Kakhkharova, M. M. (2019). СОЦИАЛЬНО-ФИЛОСОФСКИЕ ОСНОВЫ ФОРМИРОВАНИЯ ДУХОВНО-ПРАВСТВЕННОЙ ОБЩЕСТВЕННОЙ СРЕДЫ. Theoretical & Applied Science, (10), 682-687.

17. Mukhamadqodirovich R. A. The role of mass media in the history of the period of independence //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2020. – Т. 10. – №. 4. – С. 356-359.

18. Pulatova N. Ethnoecological Culture Of The Uzbek People Today And Pedagogical Aspects Of Its Formation In Students //The American Journal of Social Science and Education Innovations. – 2020. – Т. 2. – №. 11. – С. 485-490.

19. Usmanov, N., Ganiev, B. S., & Karimova, G. Y. (2021). THE PHILOSOPHICAL BASIS FOR THE FORMATION OF SPIRITUAL MATURITY AMONG YOUNG PEOPLE. *Oriental Journal of Social Sciences*, 33-37.

20. Khakimov, N. H., & Ganiyev, B. S. (2019). THE ROLE OF STUDYING THE STRATEGY OF ACTION IN CHOOSING A PROFESSIONAL DIRECTION (TAKING INTO ACCOUNT THE FORMATION OF ENTREPRENEURIAL QUALITIES) IN STUDENTS. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 1(7), 296-303.

21. Asadullaeva N. Pedagogical Factors Of Formation Of Active Life Position Among Young Generation //The American Journal of Social Science and Education Innovations. – 2021. – Т. 3. – №. 01. – С. 576-584.

22. Evatov, S. (2019). ABOUT THE SYNTHESIS OF IBN SINA'S PHILOSOPHICAL TEACHINGS WITH MYSTICISM AND ARISTOTELISM. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 1(7), 174-179.

23. Karimov, U. U., & Karimova, G. Y. (2021). THE IMPORTANCE OF INNOVATIVE TECHNOLOGIES IN ACHIEVING EDUCATIONAL EFFECTIVENESS. *Журнал естественных наук*, 1(1).

24. Boltaboyev M. HISTORY OF RELIGIOUS CONFESSIONAL POLITICS IN THE SOVIET PERIOD //Theoretical & Applied Science. – 2020. – №. 6. – С. 668-671.

25. Azamjonovich, I. I. (2021). The death penalty for a crime and its philosophical and legal aspects. *ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL*, 11(1), 1376-1381.

26. Sayitkhonov A. THE IMPORTANCE OF INNOVATIVE ACTIVITIES OF YOUTH TO ENTREPRENEURSHIP //Theoretical & Applied Science. – 2020. – №. 1. – С. 38-41.

27. Rakhmonov, G. A. (2021). The History Of Water Resources Modernization Processes In The Ferghana Valley. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 3(12), 77-81.